O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 201000

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 18 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 81 (7276)

Da'vat

Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққат марказимизда бўлиши шарт.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ibrat

"Халқ таълими" журнали Бош муҳаррири, 5—6-синфлар "Математика" дарсликлари муаллифларидан бири, профессор Жўра Икромов Хоразм вилояти бўйлаб хизмат сафари чоғида Боғот туманидаги 1-мактабнинг 4-синф ўқувчиларини зукколиклари учун улар илм масканини битириб кетгунларига қадар математика, алгебра, геометрия дарсликлари билан ўз ҳисобидан таъминлашга ваъда қилди. Дастлабки совға - 5-синф "Математика" дарсликлари ўқувчиларга 2001 йил 25 майда "Сўнгги қўнғироқ" куни ҳадя қилинади.

ЯКДИЛЛИК — МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИНИНГ МЕЗОНИ

16 октябрь куни Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

"Дўрмон" қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтгач, икки мамлакат президентлари Ислом Каримов ва Аҳмет Сезер яккама-якка суҳбатлашдилар. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентларнинг музокаралардан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида таъкидланганидек, суҳбат чоғида томонларнинг қатор халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича якдил экани аён бўлган. Бу якдиллик ўзаро муносабатлар ривожига катта туртки бўлиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстона алоқалар икки мамлакат халқлари учун ҳамиша алоҳида эътиборда бўлиб келган. Ислом Каримовнинг Туркияга, расмий Анқара раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифлари катта эътиборга молик воқеа сифатида қарши олинади. Айтиш мумкинки, Аҳмет Сезернинг Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга буюрган мазкур илк расмий ташрифи ҳам ана шундай руҳда бошланди.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида ҳам, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт борасида товар алмашув ҳажмини ошириш, мавжуд алоқаларни кенгайтириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш борасида ўзаро фаол фикр алмашилиб, бу мақсадлар йўлида икки томондан ҳам бор имкониятларни ишга солишга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланяпти. Бугунги кунда мамлакатимизда Туркия ишбилармонлари иштирокида тўрт юзга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида иш юритмоқда. Юртбошимизга "СамКоч-авто", "Демир", "Косонсой-Текмен" каби корхоналар, "Айсел", "Аларко" каби компаниялар яхши таниш.

Умуман олганда, савдо-иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Бунинг ҳуқуқий пойдевори ҳам мустаҳкам. Аммо, очиғини айтганда, ҳозирги кунда бу борадаги алоқалар кутилган суръатга ва имконият даражасидаги самарага эга эмас. Аҳмет Сезернинг таъкидлашича, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги кўриниб турибди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳамкорлик тўғрисида президентлар томонидан имзоланган қўшма баёнот бу сусткашликни бартараф этишга хизмат қилади.

"Дўрмон"даги музокаралар чоғида ижтимоий, маданий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Президент Ислом Каримов ҳамкорлик борасида қабул қилинган қўшма баёнот келгусида ана шу соҳалар бўйича тузилиб, амалга ошириладиган улкан лойиҳалар учун ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади.

Президентлар имзо чеккан иккинчи муҳим ҳужжат Ўзбекистон билан Туркия ўртасида террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотдир. Сир эмаски, асримиз сўнгида инсоният катта муаммоларга дуч келди. Бу бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалаётган халқаро террорчилик, экстремизм, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик каби иллатлардир. Олам аҳлининг қаттиқ ташвишга тушаётгани шундаки, бу иллатларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқармоқда. Зеро, террорчилик ортида гиёҳвандлик моддалари савдоси, унинг ортида эса уюшган жиноятчилик турибди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Ўзбекистон ва Туркиянинг бундай иллатларга қарши кураш масаласидаги якдиллиги ва бунинг натижаси ўлароқ, икки давлат раҳбарлари томонидан қўшма баёнот имзоланиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, террорга қарши курашда муросасиз бўлган Туркия шу вақтгача бу борада катта тажриба орттирган. Ўзбекистон учун бу тажриба қўл келиши тайин. Лекин айни чоғда террорга қарши курашда бир томонлама ёрдам кўрсатиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Бошқача айтганда, икки мамлакат ҳам бир-бирига ёрдам беради. Президентлар бу борада қўшма баёнот қабул қилган бўлса, Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Ғуломов ҳамда Туркия Қуролли кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Унол Унсипоҳи ўғли бу баёнотни ҳар томонлама мустаҳкамлайдиган ва кучайтирадиган бошқа ҳужжат — ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекишди.

Музокаралар натижаси ҳақида муайян хулоса чиқариш учун учрашув якунида президентлар таъкидлаган бир гапни эслаш кифоя. Давлат раҳбарлари мулоқотлар қизиқарли ва мазмунли ўтганини, улардан қониқиш ҳосил қилганликларини қайд этишди. Ислом Каримов Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

* * *

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезер 17 октябрь куни Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонини зиёрат қилди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Туркиялик олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Бу ерда Туркия Президентига буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлати ва темурийлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Туркия Президенти музей зиёрати сўнгида фахрий меҳмонлар китобига дастхат битар экан, журналистларга Ўзбекистонга сафари жуда самарали кечганини айтди:

- Музокаралар чоғида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон томони билан фикрларимиз бир хил эканлиги намоён бўлди, - деди у. - Мавжуд муаммоларнинг барчаси ҳал этилди, дейиш мумкин.

Шу билан Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди. Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

- Туркия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш катта аҳамиятга эга, - деди Ислом Каримов. - Зеро, Туркия ҳарбий жиҳатдан қудратли давлат бўлиши билан бир қаторда, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорчиликка қарши курашда бой тажрибага эга. Аҳмет Сезер билан музокараларда фақатгина бу масала билан чекланиб қолмаганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз икки томонлама муносабатларга доир кўплаб масалаларни кўриб чиқдик. Ўйлайманки, ўтказилган музокаралар ва қабул қилинган ҳужжатлар яқин орада ўз самарасини бера бошлайди.

(ЎзА)

Суратда: Темурийлар тарихи Давлат музейида зиёрат пайти.

Д.ЮСУПОВ олган сурат

ЯГОНА ДАРСЛИК ЗАРУРАТИ

Республикамизнинг барча олий ўқув юртларида ҳозирги кунга қадар "Ботаника" фани асосан битта, яъни собиқ СССР даврида педагогика институтлари ва университетлари учун 1940 йилларда профессор Л.И.-Курсанов, Н.А.Комарницкий, К.И.Мейер, В.Ф.Роздорский ва А.А.Урановлар томонидан ёзилиб, кейинги йилларда қайта-қайта нашр этилган 2 жилдли "Ботаника" дарслигидан фойдаланиб келинади. Дарсликнинг биринчи қисми ўсимликлар анатомияси ва морфологиясига бағишланган, иккинчи жилди эса тубан ва юксак ўсимликлар систематикасига бағишланган.

Ўз даврининг энг яхши дарсликларидан бири ҳисобланган, миллионлаб талабаларга билим берган мазкур китоблар ўтган давр мобайнида фан қўлга киритган ютуқлардан анча узоқлашиб кетди. Бошқача қилиб айтганда, у анча эскириб, замон талабига тўлиқ жавоб бера олмайдиган ҳолатга тушиб қолган. Айниқса, иккинчи томда келтирилган далиллар кўп жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Шу муносабат билан, иккинчи томдаги юксак ўсимликлар систематикасига оид материалларга кўпроқ эътиборни жалб этмоқчимиз. Дарсликнинг асосий камчиликларидан бири унда келтирилган ўсимлик турларининг аксарият қисми Ўзбекистон ҳудудида учрамайди. Шу боис, талабалар ҳанузгача ўзга ўлкаларда тарқалган ўсимликларни ўрганишга мажбур бўлишмоқда. Дарсликдаги ўсимликлар (айниқса, қабила, оила, туркум ва б.) эски тизим (система) асосида жойлаштирилганлиги туфайли сўнгги йилларда машҳур олимлар — акад. А.Л.Тахтаджян ва А.Кронквистлар томонидан тавсия этилган янги системадан катта фарқ қилади. Жумладан, бўлим, синф, авлод (тартиб), оила, туркумларнинг ўрни ва ҳажмига жиддий ўзгаришлар киритилди. Китоб чиққандан кейин Марказий Осиё ҳудудидан ЎзРФА Ботаника институти ва Ботаника боғи ходимларининг илмий тадқиқотлари туфайли ўсимликлар дунёсининг келиб чиқиши, тарқалиши ва тараққиёти ҳақида янгидан-янги маълумотлар берувчи (қазилма, тошга айланган ўсимлик) палеоботаникага оид 6000 дан зиёд намуналар тўпланди. Булар орасида дастлабки, энг содда тузилишга эга бўлган гулли ўсимликлар ҳақида маълумотлар берувчи мезозой эрасида ўсиб, йўқолиб кетган, фан учун қазилма ҳолда фақат Европадан (2 жойдан) маълум бўлган Беннетитлар синфига мансуб камёб намуналар Ўрта Осиё (Ҳисор тоғлари)дан топилди.

Muammo

ЎзРФА Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан Ўрта Осиё юксак ўсимликлари (флораси) ҳақида пухта маълумот берувчи 10 томлик "Определитель растений Средней Азии" номли йирик монография юзага келди.

Ўзбекистонда Ботаника институти, Ботаника боғи ва Олий ўқув юртларида "Ботаника" дарслигига киритилиши лозим бўлган қатор монография, тўплам ва рисолалар нашр этилди.

Қайд этилган далиллар мавжуд дарсликдан бутунлай воз кечиш керак, деган фикрни билдирмайди, албатта. Ҳеч шубҳасиз, келажакда унинг фан талабига жавоб берадиган муҳим жойларидан дарс беришда ва янги "Ботаника" дарслигини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Олий ўқув юртлари учун ботаникадан ёзилган 2 томлик дарслик профессор С.Саҳобиддинов қаламига мансуб бўлиб, унинг 1957 йилда нашр этилган биринчи томи спорали ва очиқ уруғли ўсимликларга, иккинчи томи эса юксак ўсимликларга бағишланган. Тан олиш керак, бу дарслик энг оғир пайтларда ўзбек тилида ёзилиб, нашр этилган дастлабки китоблардан бири эди. У ботаника терминологияси ҳали ишлаб чиқилмаган бир даврда юзага келди ва ёшларга билим беришда катта роль ўйнади.

Китобнинг мазмунига келсак, у Л.И.Курсанов ва бошқалар ёзган китобнинг иккинчи томидаги "Юксак ўсимликлар систематикаси"га жуда яқин туради. Шунинг учун ҳам ўша китобда келтирилган камчиликлар С.Саҳобиддиновнинг дарслигида ўз аксини топган. Афсуски, китобнинг иккинчи томи қайта ишланиб, нашр этилмади.

Профессор П.М.Жуковский ёзган "Ботаника" дарслигидан ҳам талабалар узоқ йиллар давомида фойдаланиб келишди. Бу китоб Л.И.Курсанов ва бошқаларнинг китобидан асосан ботаник географияга оид бой маълумотлар келтирилганлиги билан фарқ қилади. У ҳам Иттифоқ учун ёзилган дарслик эди. У бир неча марта қайта ишланиб, нашр этилган. Бу китоб ҳам ҳозирги шароитга мос бўлмай қолди.

(Давоми 3-бетда)

Сизнинг нашрингиз, ҳаммаслагингиз —

Ma'rifat

газетасига 2001 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

ЎТМИШИНИ УЛУҒЛАГАН ЭЛ

Маълумки, кейинги тўққиз йил давомида республикамизнинг кўпгина жойларида буюк алломаларимиз тарихлари қайта тикланиб, номлари абадийлаштирилмоқда. Бу борада, айниқса, тадқиқотчи олимларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Шу мақсадда биз ЎзФА Самарқанд бўлими катта илмий ходими Комилхон Каттаев билан Самарқандда яшаб ижод этган буюк уламоларнинг қабр жойларини аниқлаш, тошлардаги эпиграфик ёзувларни таҳлил этиш жараёни хусусида суҳбатлашдик.

— Биз бу ишга асосан мустақиллик йилларида қўл урдик. Лекин ўша пайтда кўплаб қабристонлар, у ерда кўмилган алломаларнинг қабр жойлари тарихчилар қатори бизларга ҳам номаълум эди. Аниқроғи, Самарқандда яшаб ижод этган уламоларнинг асл қабрларини излаб топиш, ўрганиш ва энг асосийси, уни халққа ҳар томонлама соддароқ тарзда етказиш жуда мушкул вазифа ҳисобланарди.

Ҳозирга қадар Имом Дорамий, Имом Мотуридий, Растуғфоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Али-Сўғдий, Абулқосим Самарқандий каби буюк мутафаккирларнинг қабрлари аниқланди. Айниқса, энг муваффақиятли тадқиқотлардан Маҳдумий Аъзам, Шайх Худойдоду Вали, Чокардиза каби қабристонларни топганимиз бўлди. Бунинг учун кечаю кундуз илм аҳли билан тарих зарварақларини саҳифама-саҳифа ўқиб, излаб, уларни охиригача амалга оширишга ҳаракат қилдик. Изланишларнинг самараси ўлароқ, бузрукворларнинг қабр тошларидаги ёзувлари ўрганилиб, тарихимиз хазинасига уларнинг ҳаёт ва фаолиятларига доир китоблар чоп этдик.

— Айтинг-чи, тадқиқот ишларини фақат Самарқандда олиб борасизларми ёки...

—Бизнинг асосий ишларимиз Самарқандда бўлса-да, бевосита қўшни вилоятларга ҳам сафарлар уюштирамиз. Айни пайтда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари билан алоқамиз бор. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, мустақиллик шарофати туфайли улар билан кўпгина тадқиқотларни олиб боришга эришдик. Билмаган, тушунмаган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашдик. Жойлардаги масъул кишилар иштирокида Ҳокимий, Термизий, Сўфи Оллоёр каби ислом илми мутафаккирларининг мавзеларини қайта тикладик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳамкасбларимизга нисбатан анча маълумотлар тўплаганимиз ҳамда билганимиз учун улардан китоблар чоп этиш бўюртмасини олганмиз. Қачонки, жамоамиз билан қабр жойларда тадқиқот ишларини бошласак, аввало, маҳаллий аҳоли ва мутахассислар билан алоқани мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

— Сўзингиз бошида тадқиқот ишлари мустақиллик даврида бошланган, деб айтдингиз. Хўш, улар орасида жамоа учун энг қийин кечган тадқиқотлар қайси? Ва нима учун?

Moziydan sado

— Кўпгина тўсиқларга дуч келдик. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний, Растуғфоний, Мотуридий, Дорамий, Имом Али Сўғдий каби алломаларнинг қабрларини излаб топиш, тарихий маълумотларга таянган ҳолда иш юритиш жуда муҳимдир. Биринчидан, бу ишларни ниҳоясига етказиш учун олдинда катта машаққат турганини сезганмиз. Айниқса, уламоларимиз ҳақида маҳаллий маърифатпарварларнинг маълумотлар билмаслиги ишимизни янада мураккаблаштирди.

Иккинчидан, тез орада тугаши лозим бўлган бундай хайрли ишларни фақатгина тарихни синчковлик билан ўрганиш, араб-форс ёзувидаги манбаларни бирма-бир таржима қилишга тўғри келди. Натижада ушбу беш алломанинг аниқ жойлари кўрсатилиб, китоблар чоп этиришга муваффақ бўлдик. Улардан энг асосийси, 1992 йил Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ақидалари тўплами бўлмиш "Ақидаи Исломия", 1993 йил Самарқанд мозоротлари ҳақидаги "Қандия", 1994 йил "Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи", "Силсилатун Орифин" ва "Ғанбиятул салотин", 1995 йили "Шайх Худойдоду Вали тарихи", 1998 йили "Самарқандниг буюк алломалари"... каби кўплаб китобларни босмадан чиқардик.

Бундан фарқли ўлароқ, Самарқанддаги Гўри Амир, Шоҳизинда, Имом 11, Чокардиза, Ҳазрати Ҳизр, Даҳбед, Хўжа Аҳрор, Кумушкент, Иштихон, Жомбой, Тайлоқ, Ургут, Нуробод каби мавзеларда тадқиқотларни муваффақиятли амалга оширдик. Тарихчиларнинг яқиндан ёрдам бергани ҳам ишимизнинг тез якунланишига замин яратди.

— Шўро замонида исканжага олинган тарихимиз эндиликда деярли тикланди, дейиш мумкин...ми?

— Халқимизнинг ўтмиш тарихи ҳали тўлалигича қайта тикланди, дейиш қийин. Чунки собиқ Иттифоқнинг қарийб 80 йиллик сиқуви остида Ўрта Осиё халқлари қатори Ўзбекистоннинг ҳам ўтмиш тарихи ниҳоятда бузиб кўрсатилган. Шу туфайли ҳақиқий тарихимиз оз сонли оилаларга маълум эди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Бобом Каттахон Даҳбедий оилалари шулар жумласидан эди. У кишининг дўст-биродарлари нафақат Самарқандда, балки Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг турли нуқталарида бўлиб, улар билан доимий алоқада бўлишарди.

(Давоми 3-бетда)

Самарқандда буюк алломa, калом илмининг асосчиси Имом ибн Мансур ал-Мотуридий таваллудининнг 1130 йиллиги бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

• Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Элтекс" ҳиссадорлик жамияти Америка Қўшма Штатларидан 37.320 дона болалар, аёллар ҳамда эркаклар жинси кийим-кечакларига буюртма олди.

• Фарғонада "Коском" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг "Коском-Водий" филиали иш бошлади.

JUMLADA JAHON

• Корея Президенти Ким Дэ Чжун ўзининг Жануби-Шарқий Осиё минтақаси ва умуман, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун жаҳоннинг энг нуфузли мукофотларидан бири саналмиш Нобель мукофотига сазовор бўлди.

• Руминияда президентлик лавозими ва парламентда ўрин олиш учун сайловолди компанияси бошланди.

• 515 минг ироқлик фаластинликлар томонидан туриб, Исроилга қарши уришиш мақсадида ўз номини кўнгиллилар рўйхатига киритди.

• Хорватия ва канадалик олимлар ҳамкорликда 3 асрдан буён инсон қадами тегмаган қадимий диний ибодатхона марказини топишди.

Республикамиз олий ўқув юртларининг кўпчилиги юксак ўсимликлар систематикаси бўйича мутахассис-педагоглар билан таъминланмаган.

Келажагимиз эгалари — ёш авлодга жаҳон андозалари асосида таълим бермасдан туриб, истиқлол туфайли кўлга киритилаётган ютуқларни мустаҳкамлаб, фаровон эртанги кунимизни яратиб бўлмайди.

Ijro

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Саноқли кунлардан кейин, яъни 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганига 11 йил тўлади. Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлигида қатор ибратли тадбирлар ишлаб чиқилди ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига Тил байрамлари ўтказилиши хусусида топшириқлар берилди. Ҳозир мутасаддилар бу жараёнга боғлиқ ҳамма юмушларни амалга оширишни бошлаб юбордилар.

Вазирлик тадбирларида таълим муассасалари раҳбарлари масъулияти ҳам алоҳида тилга олинган. Жумладан, улар октябрь ойининг учинчи ҳафтаси давомида мазкур санага бағишланган учрашувлар, "Она тилим — жону дилим", "Тилга эътибор — элга эътибор" каби мавзуларда адабий-ижодий кечалар, давра суҳбатларини ташкил этишга бош-қош бўладилар.

РТМ, ЎзПФИТИ, ХТХМОМИ ҳамда ХТВ тасарруфидаги олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларида давлат тилини ўқитишни янада такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади. 19-21 октябрь кунлари Навоий шаҳрида ўтказиладиган вазирлик хузуридаги "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни амалга ошириш Республика комиссиясининг кўчма йиғилишида ҳам долзарб масалалар хусусида фикр юритилади. Айни пайтда таълим муассасаларида ҳам, илмий масканларда ҳам, ўқув юртларида ҳам тадбирлар махсус режалар асосида ўтказилмоқда.

ХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси томонидан белгиланган тавсияларга асосан эса Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда, Тошкент шаҳрида, шунингдек, туманлар миқёсида "Ўзбек тили" таълимининг аҳволи ва янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши масалалари таҳлилига бағишланган амалий семинарлар ҳам ўтказилаётир. Мазкур семинарларда бу соҳада эришилган натижалар, муаммолар, камчилик ва нуқсонлар танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

ЯГОНА ДАРСЛИК ЗАРУРАТИ

(Боши 1-бетда)

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда мустақиллик даврида ва ундан олдин "Ботаника" дарслиги ёзилганми деган савол пайдо бўлди. Агар С.Сахобиддиновнинг китоби инобатга олинмаса, пединститут ва университетлар учун пухта билим берадиган дарслик яратилмади.

Яна бир нарсага эътиборни жалб этмоқчимиз. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда фармацевтика институти учун Х.Маҳкамова (1995) ва қишлоқ хўжалиги институтлари учун И.Ҳамдамов ва бошқаларнинг "Ботаника асослари" номли дарсликлари чоп этилди.

Мавжуд дарсликлар ҳақидаги бизнинг ижобий ва танқидий фикрларимиз қатор йирик илмий анжуманларда баён этилган.

Нашр этилган дарсликларни таҳлил қилиш, ҳозирги пайтда олий ўқув юртларида ботаника фанидан дарс беришда фойдаланиладиган, замон талабига жавоб берувчи ягона дарслик йўқ эканлигини кўрсатди. Шунинг учун олий ўқув юртларида ботаника фанидан турли ҳажмдаги дастурлар асосида лекция матнлари тайёрланиб, дарс ўтилмоқда. Кенг қамровли билимга эга матнлардан фойдаланиб дарс бериш яхши, буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин лекция матнлари Ўзбекистоннинг барча институт ва университетларида пухта ишлаб чиқилган битта умумий дастурга амал қилинган ҳолда, бир хил билим, малака ва тажрибага эга бўлган ботаниклар (мутахассислар) томонидан ёзиляптими, деган ҳақли савол туғилади.

Жойлардан бизга тақриз учун келаётган дастур ва лекция матнлари, уларнинг бир-биридан кўп жиҳатлари билан фарқ қилишини кўрсатмоқда. Лекция матнларининг хилма-хиллигига эса сабаблар кўп.

Гап шундаки, республикамиз олий ўқув юртларининг кўпчилиги юксак ўсимликлар систематикаси бўйича мутахассис педагоглар билан таъминланмаган. Сир эмас, систематикадан дарс бериб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг аксарият қисмини флорист, геоботаник ва ресурсовед (хомашёшунос) ва бошқа соҳадаги касб эгалари ташкил этади (фақат Фарғона университети бундан мустасно). Мустақил республикамизнинг олий ўқув юртлари учун "Ботаника" фанидан янги замонавий дарслик ёзиш нақадар зарур эканлиги аён бўлиб турибди.

Янги дарслик Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультети "Ботаника" ўқув-илмий марказида "Юксак ўсимликлар систематикаси" курси ва "Ўсимликлар анатомияси ҳамда морфологияси" курслари ўтиладиган кафедраларнинг чуқурлаштирилган дастурлари асосида ёзилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бундан қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари, фармацевтика институти ва педуниверситетларнинг дастурлари инобатга олинмайди, деган хулоса чиқмайди. Барча институт ва университетларнинг ботаникадан дарс беришдаги ўзига хос томонлари инобатга олинади. Катта дастурга биноан ёзиладиган дарсликдан ҳар бир институтда ўз дастури, ажратилган соатига қараб фойдаланади.

Муаллифнинг илмий даражаси, унвони ва ёшидан қатъи назар, ўз соҳасини мукаммал биладиган, фанда ва педагогика соҳасида катта тажриба ва билимга эга бўлган дарслик ва қўлланмалар яратган мутахассис бўлиши керак. Албатта у, бир нечта муаллиф томонидан маслаҳатлашиб ёзилиши керак.

Таъкидлаш керакки, ботаника институти ва ботаника боғида ишлаб, олий ўқув юртларида ҳам ўз соҳалари бўйича дарс бериб келаётган йирик олимларнинг ташаббуси билан икки йил давомида кўпчилик олий ўқув юртларидаги ботаник профессор-ўқитувчилар ва олимлар ўртасида олиб борилган суҳбатлардан сўнг "Ботаника" дарслигини ёзиш учун профессор ҳамда доцентлардан иборат муаллифлар гуруҳи тузилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Муаммолар институтига танловда қатнашиш учун топширилди.

Муаллифлар гуруҳи ўз соҳалари бўйича чуқурлаштирилган дастур ишлаб чиқиб, шу асосда дарсликни ёзишга киришдилар. Алоҳида томга мўлжалланган "Юксак ўсимликлар систематикаси" бўйича тузилган дастурга кўра дарсликка 2-синф, 58 авлод, 88 оила, 211 туркумга мансуб, 4000 дан ортиқ юксак ўсимлик турлари танлаб олинди ва улар академик А.Л.Тахтаджян ишлаб чиққан янги филогенитик система (тизим) асосида жойлаштирилди. Дастурни тузиш жараёнида йирик таксономик бирликларга бағишлаб ёзилган махсус илмий асарлар таҳлил қилинди. Улардан айниқса, назарий масалалар билан боғлиқ бўлган мавзуларни тузишда фойдаланилди.

Дастурни тайёрлашда яна бир муҳим нарсага — ўрта мактаб ва академик лицейларда ботаникадан ўтиладиган дарсларнинг кетма-кетлиги узвийлигига ва уларнинг соддадан мураккаблашиб боришига жиддий эътибор берилди.

Юқорида қисқача баён этилган фикр, мулоҳаза ва таклифлар "Ботаника"дан ёзиладиган янги дарсликнинг шакланишига маълум даражада ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ўктам ПРАТОВ,
биология фанлари доктори,
Озодбек АШУРМЕТОВ,
биология фанлари доктори,
Ҳошимжон ОХУНОВ,
биология фанлари номзоди

Tadbir

ҲУҚУҚШУНОС ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

Тошкент Давлат юридик институтида "Миллий маънавият — мустақиллигимиз асоси" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Дастлабки анжуман 1-Ҳуқуқ факультетининг биринчи курс талабалари уюштирган "Мустақиллик — олий неъмат" мавзусига бағишланган бадиий-мусиқий мушоира бўлиб, унда шоиралар Фароғат Камолова, Ҳалима Аҳмедова, Хосият Рустамова ўзларининг она-юрт, озодлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқидилар.

2-3 - ҳуқуқ факультетларининг шу йил талабаликка қабул қилинган ёшлари тайёрлаган "Инсонпарварлик — адабиёт ва ҳуқуқнинг бош мезони", "Ватан — саждагоҳ каби муқаддас", "Оламни маҳлиё айлаган диёр" ва "Ватан юрак каби ягонадир" мавзуларидаги тадбирларда бугунги кун нафаси уфуриб турди. Шоирлар Йўлдош Сулаймон, Усмон Азим, адабиётшунос олимлар Абдуқодир Ҳайитметов ва Азиз Қаюмов ҳамда "Тафаккур" журналининг ижодий жамоаси ушбу тадбирда қатнашиб, Ватан ва бурч, дўстлик ва садоқат тўғрисида сўз юритдилар.

3 - ҳуқуқ факультетининг 1-курс талабалари уюштирган "Маънавият юксалиши — миллат ютуғи" деб номланган очиқ мулоқот семинари ҳам юқоридаги тадбирлардан қолишгани йўқ. Бу кун ёшлар хотирасида бир умр сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Чунки бўлғуси ҳуқуқшунослларга талабалик гувоҳномалари топширилди.

Шундан кейин анжуманга ташриф буюрган Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов маънавий юксалишда театрнинг ўрни ҳақида гапириб, талабаларни қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб берди.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 10-ўрта мактабда 1977 йилда "Ёш автоинспекторлар" тўгараги ташкил этилган бўлиб, унда бугунги кунда ҳам 25 нафар ўқувчи кўча ҳаракати қоидаларини ўрганмоқда. Тўгарак ташкил этилгандан буён унга изланувчан мураббий Исмоилжон Абдуваҳобов раҳбарлик қилиб келмоқда. Тўгарак аъзолари тўгаракда олган билимларини мактаб яқинида ташкил этилган 2 та кўча постида амалиётга татбиқ этишмоқда. Уларнинг кўча ҳаракати қоидалари борасидаги билимларининг ошишида тез-тез ўтказилиб келинаётган беллашув ва викториналар муҳим аҳамиятга эга. Мактаб ёш автоинспекторлари кўп йиллардан буён вилоят, республика миқёсидаги мусобақа, олимпиадаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Суратда: тўгарак ҳаётидан лавҳалар

Bir soatlik dars

"Боғловчи юзасидан такрорлаш" дарсида «Зукколар ўйини»ни ўтказдим. Уни бир соатлик дарс ишланмаси тариқасида муштарийлар ҳукмига ҳавола этаман.

Дарснинг мақсади: ўқувчилар билан "Ёрдамчи сўзлар" ва "Боғловчилар" мавзусини такрорлаш, уларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш, мисоллар асосида дунёқарашини шакллантириш.

Дарснинг жиҳози: "Боғловчи" жадвали, магнитофон, турли карточка ва тест саволлари, кўчма тахта, дарслик, "Ҳозирги ўзбек адабий тили" олийгоҳлар учун дарсликнинг 1-жилди.

Дарс услуби: Мусобақанинг "Зукколар ўйини" режаси

1.Савол-жавоб — 5 дақиқа.
2.Айтилган шеърлардаги боғловчиларни изоҳлаш — 5 дақиқа.
3.Расмга қараб мисоллар айтиш — 5 дақиқа.
4.Қувноқ дақиқа. Интермедиялар — 5 дақиқа.
5.Тест саволларини изоҳлаш — 5 дақиқа.
6.Сардорлар баҳси.
7.Дарс тахтадаги 2 гапни синтактик ва морфологик таҳлил қилиш.

Дарснинг бориши:

Бир зўр оташ бир зўр аланга:
Икки қалбга туташгани рост.
(Х.Олимжон)

Ўқувчилар шеърдаги «бир» сўзи такрор ҳолда қўлланган эргаштирувчи боғловчи эканлигини айтдилар.

7. Шундан сўнг гуруҳлар вакиллари расмга қараб мисоллар айтадилар. Масалан: Қушлар бизнинг дўстимиз, шунинг учун биз қушларга дон бердик. Шунинг учун эргаштирувчи боғловчи, сабаб боғловчи, икки содда гапни боғлаяпти.

8. Қувноқ дақиқада кичик-кичик интермедиялардан қўйиб берилади. Ҳар бир кўриниш орасида қувноқ мусиқа янграйди.

9. Тест саволлари ҳам стол устига ёйиб қўйилади. Ҳар икки томондан ўқувчи чиқиб тестни изоҳлайди.

Тестлардан намуна:
Зидловчи боғловчиларни топинг.
А) яъни, -ки, -ким
В) чунки, шунинг учун
С) ё, ёки, ёхуд

БОҒЛОВЧИ ҚАНДАЙ ВАЗИФАНИ БАЖАРАДИ?

1. Дарсда йўқлама қилиниб, ўқувчилар диққати бугунги дарсга қаратилади.

2. Ўқувчилардан бири жаҳон янгиликларидан, республика янгиликларидан хабар беради.

3. Уйга берилган вазифа ўтилган мавзуларга маъруза ёзиб келиш топширилган эди. Буни уч ўқувчи уч қатор парта оралаб текшириб чиқади ва йиғиштириб олади.

4. Зукколар ўйини бошланишидан олдин улар икки гуруҳга ажратилади ва йиғилган баллни ўқитувчи дарс тахтага ўзи белгилаб боради.

5.Савол-жавоб бўлимида боғловчиларга оид 8 та савол столга териб қўйилади ва навбат билан гуруҳ вакиллари жавоб беришади. Бунда ўқувчиларнинг саволга аниқ, тутилмай жавоб бериши ҳисобга олинади.

Саволлардан намуналар:

1. Боғловчи қандай вазифани бажаради?

2. «Билан» кўмакчиси боғловчи вазифасида келишини тушунтиринг.

3. Эргаштирувчи боғловчилар вазифасини айтинг. Маъно жиҳатидан турини санаб, шарт боғловчилари қатнаштириб бозор иқтисодиётига оид мисоллар келтиринг.

4. Аниқлов боғловчилар ва сабаб боғловчиларга севган касбингизни таърифлаб гаплар тузинг.

5. Айтилган шеърлардаги боғловчиларни изоҳлаш бўлимида, гуруҳлар айтган мисралардаги боғловчилар изоҳланади.

Мисоллар:

Д) аммо, лекин, бироқ
У) дам, баъзан, хоҳ

Ўқувчилар "Д" жавобни топадилар.

10. Ҳар икки гуруҳдан ўқувчи чиқиб, дарс тахтага 2 та гап ёзади ва уни морфологик ҳамда синтактик таҳлил қилиб беради.

11. "Сардорлар баҳси" деб номланган бу қисмда ҳар икки гуруҳдан ўқувчи чиқиб, дарс тахтага бир дақиқада нечта боғловчи ёза олишини исбот қиладилар. Соат милларига қараб турилади.

12. Ортиб қолган 3 дақиқада бир йигит чиқиб "Дилхирож" рақсига ўйнаб беради.

13. Ўқитувчи дарсни хулосалаб, ҳар икки гуруҳ неча балл тўплаганини эълон қилади. Ҳар икки гуруҳ ўқувчиларини табриклаб рағбатлантириш учун кўрик қатнашчиларига китоб, дафтар каби совғалардан беради.

14. Вазифа учун боғловчи мавзусига режа тузиб, шу асосда иншо ёзиб келиш топширилади.

Дарс жараёни икки сухандон томонидан олиб борилади. Фақат ўқувчилар иштирок этадилар. Ўқитувчи эса гуруҳга балл белгилаб боради, дарсни хулосалайди, ўқувчиларни рағбатлантиради. Ўқувчилар ижод қилганлари, фаол қатнашганлари учун уларга ижодий иш учун қўйиладиган рейтинг бўйича балл журналга белгиланади. Хуллас, бу дарс жуда қизиқарли ўтишига аминман.

Х.РАЙИМОВ,
Бешариқ туманидаги Амир Темур номидаги 13-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ МАКТАБИ

Асримиз бошида миллат қайғусида ёниб яшаган маърифатпарвар боболаримизни бот-бот эсламоқдамиз. Бугун улар орзу қилган мустақиллика эришдик. Эндиги вазифамиз шу мустақилликни мустаҳкамлашдир. Бироқ бу ниятимизга албатта маърифат йўлидан борсаккина эришамиз, ривожланамиз, зўрлар ичида зўр бўлиб яшаймиз. Мана шу йўлда уларнинг мустамлака зулм остида бўлишларига қарамай болаларни ўқитиб, илм асосида тарбия бериб, озодликка эришишни ўйлашлари мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги тарғиботимизга ибрат бўла олади. Бугун бизда миллатни ҳар жиҳатдан юксакликка кўтаришга хизмат қиладиган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Соғлом авлод дастури" қабул қилинган. Улардаги вазифаларни амалга оширишда жамиятнинг ҳар бир фуқароси шахсий ҳиссасини қўшмас экан орзуларимизга етишимиз қийин кечади. Ана шу ўринда кўз ўнгимизда маърифатпарвар боболар, хусусан, Абдулла Авлонийнинг ҳаёти бизга, ўзлари айтмоқчи, дарси ибрат вазифасини ўтайди.

Мана шу дарси ибрат ҳақида гапиришдан аввал икки оғиз у туғилиб унган давр ҳақида. Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкент шаҳридаги Мерганча маҳалласида туғилган. У 7 ёшида Ўқчидаги эски мактабда Акрамхон исмли домланинг сабоғида саводини чиқаради. Беш йил ўтгач эса шу маҳалладаги мадрасага ўтади. Ундан Шайхонтоҳурдаги Абдумаликбой мадрасасида Мулла Умар Охунд исмли домладан дарс олади. Оиладаги қийин шароит сабаб ёзда ишлаб, қишда ўқиди. Маълум фурсат ўтгач у ўқишни ташлаб, қурилиш ишларига шўнғишга мажбур бўлди. Ўзининг таржимаи ҳолида шундай сўзларни ўқиймиз: "18 ёшдан бошлаб, мардикорликдан қутулиб, усталик даражасига эришдим. Ғишт устачилиги, сувоқчилик, печкачиликни, дурадгорлик устачилигини қилар эдим".

Ана шу дамларда у адабиёт ихлосмандига айланди. Навоий, Фузулий, Саъдию Ҳофизларнинг асарларидан баҳраманд бўлди.

Профессор Бегали Қосимовнинг таъкидлашича, "Ҳозирги Миробод маҳалласи ўрнида Мирнеъматбойнинг боғ ҳовлиси бўлган. Тошкент босиб олиниб, Туркистон генерал губернаторлигининг марказига айлантирилгач, Миробод шаҳарнинг янги - "рус" қисмига қўшиб олинади ва турли иморатлар, корхоналар қуриш учун бўлиб берилади. Сапёрный, Госпиталный кўчалари пайдо бўлади. Миравлонбойнинг икки ўғли Абдулла ва Мирсиддиқ ҳам шу ерда ҳовли жой қиладилар. Сапёрлар кўчасида 70, 72, 74 - уйлар қад кўтарди. Абдулла Авлонийнинг ўз қўли билан қурилган, жуда кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлган 74-уй кейинги йилларда шаҳарни қайта қуриш даврида бузилиб кетди".

Энди юқорида қайд этилган саволга жавоб тариқасида таъкидлаш жоизки унинг ёш авлод тарбиясига, уларни илмга йўллаш бўйича қилган ишлари ҳануз ибратлидир. Негаки, бугун арзимаган баҳода болаларга оддий дарслик олиб бериш учун айримлар минг бора бошини қашлаётган бир пайтда унинг ўша оғир паллаларда мактаб очганлиги дарсликлар ёзганлиги бу катта ибратдир.

Абдулла Авлоний 1904 йилда Мирободда усули "жадид мактаби" очиб, унда ўзи ўқитувчилик қила бошлайди.

Бу ҳақда марҳум педагог Юсуф Тоҳирийдан шундай хотира қолган: "Шаҳарнинг қарама-қарши чеккасида, темир йўл ишчилари истиқомат қиладиган Мирободда янги типдаги мактаб очилганлиги ҳақида эшитиб қолдик. Тез орада бу мактабнинг фазилатлари ҳақидаги шов-шувлар, унинг муаллими Авлонийнинг довруғи бутун шаҳарга тарқалди. Ҳамманинг тилида: "Мирободдаги мактаб 6 ойда ўқиш-ёзишни ўргатармиш. Жуғрофия, ҳисоб, табиатни ўрганиш деган дарслар ўқитилармиш", — деган гап юрарди. Бизга жуда сирли туюлган бу мактабни ва унинг донишманд муаллимини кўришга ҳаммамиз ошиқардик. Ниҳоят бир куни уч-тўрттамиз боришга жазм қилдик.

Мактаб пастаккина, ним қоронғу бўлиб, масжид йўлагига жойлашган эди. Хонанинг тепасидаги ёруғлик учун қолдирилган туйнукдан қиш ва баҳорда қор билан ёмғир ҳам тушиб турарди. Лекин хонада ўқувчилар ва ўқимоқ учун келганлар сони кўп эди. Хаёлимизда домланинг аллақандай бир сирли томони бор эди. Бизни қотмагина, кичик жуссали, қорачадан келган, истараси иссиқ, чўққи соқол бир киши кутиб олди. Бу номи тилга тушган муаллим Авлоний эди. Ўқишга қабул қилиндик. Кўп ўтмай кўз олдимизда янги бир дунё очилганига тўла ишонч ҳосил қилдик. Улар ўқиш-ёзишда, ҳисоб масалаларини ҳал этишда, табиат ҳодисаларидан хабардор бўлишлари, жуда кўп шеър ва ҳикояларни ёд билишлари билан ҳаммамизни лол қолдиришди. Айни замонда бизнинг эски мактабимиз бўшаб, Мирободдаги Абдулла Авлоний мактаби биздан борган болалар билан лиқ тўлди. Шу тариқа бу мактаб тобора шуҳрат топиб борди".

Мактабда ўқитиладиган дарсликларсиз, яъни мактабнинг биносигина у ҳақда тўлиқ тасаввур бермайди. Бу йўлда Авлоний умрининг кўп фурсатини шу савобли ишга бағишлади. Зеро, тарбия борасидаги унинг шиори бугун барчага маълум: "ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидур".

Авлонийнинг мана шу китоблари ҳам у очган биринчи мактаб билан бевосита боғлиқдир. Чунки у ёзган ҳар бир нарсасини шу мактабда синаб кўрган, қайта ишлаган, такомиллаштирган. Бу ишларни ўз маблағи эвазига амалга ошириш инсондан ҳақиқий миллатпарварликни, соф юрак соҳиби бўлишни тақазо этади. Бундай боболар келажак авлод учун ҳақиқий ибрат бўлиб қолади.

Бевосита ушбу манбаларни ўқиган кишини мактабнинг кейинги тақдири қизиқтирмай қолмайди. Унинг бугунги фаолиятини, бор йўқлигини билгиси келади? Худди шу саволларга жавоб топиш мақсадида Миробод туманидаги А.Авлоний мактабига бордик. Бу даргоҳнинг бугуни кундаги ҳолати бизда катта таассурот қолдирди. Ҳа, у энди Авлоний орзу қилган чинакам замонавий талабларга жавоб бера оладиган мактаб эди.

Мактаб раҳбари Саида Маматқулова билан суҳбатлашдик. Ўз ўрнида у киши менга мактаб тарихи бугунги кундаги фаолияти ҳақида гапириб бердилар.

— Бугунги кунда 1200 та ўқувчи ва 62 та ўқитувчидан иборат мактабимиз илгариги темир йўл қарамоғидаги А.Авлоний номидаги 40-мактаб бўлиб, у 1998 йил 1 январдан Миробод туман халқ таълими тасарруфига 328- мактаб сифатида ўтқазилди ва ўз номини сақлаб қолди. Биласизки, мактабимиз бой тарихга эга. У Тошкентда ўзбек тилида очилган биринчи миллий мактаб эди. Мактабимиздан қанчадан-қанча давлат ва фан арбоблари, машҳур кишилар етишиб чиққанлар.

Фарҳод ИРДАШЕВ,
«Маърифат» мухбири

"ОРОЛ БОЛАЛАРИГА" ЭКОФЕСТИВАЛИ

Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Яккасарой туман ҳокимияти биргаликда "Ёшлар" телеканали, "Эколот" қўшма корхонаси Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг Мустақиллиги муносабати билан «Орол болаларига» экофестивалини ўтказди.

Фестивалдан тушган маблағ Орол бўйида истиқомат қилувчи болаларга гуманитар ёрдам ҳамда дори-дармонлар сотиб олиш ва минтақадаги экологик ҳолатни бирмунча бўлса-да, яхшилашга сарф қилинди.

Фестиваль дастуридан ўрин олган замонавий кийимларнинг "Куз-2000" кўргазмаси, "Орол — рассом нигоҳи билан" расмлар кўргазмаси, "Тошкент йўллари" танлови, Ўзбекистон ва Озарбойжон санъати усталари иштирокидаги катта концерт фестиваль иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Насриддин БОТИР

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАЗМУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Хўжайли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида республика илмий-амалий семинари ташкил этилиб, унда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш мазмунини янгилашда тажрибавий ўқув режа ва дастурларнинг роли, ушбу жараёндаги муаммолар ва уларнинг ечимлари кенг муҳокама қилинди. Қизиқарли ва сермазмун ўтган ушбу тадбирда қатор таълим муассасалари раҳбарлари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари, махсус фан ўқитувчилари, олимлар маърузалар қилдилар.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими Аҳмад Норимбетов, ЎМКҲТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Абдихоликов, Хўжайли туман ҳокими Т.Уснитдиновлар кун тартибидаги мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ЎМКҲТ ривожлантириш институти илмий котиби О.Абдиқуддусов, ЎМКҲТ Маркази ДТС бўлими бошлиғи О.Мусурмонов, унинг ўринбосари С.Маҳмудовлар семинар қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб беришди.

Анжуман ниҳоясида иштирокчилар Қорақалпоғистон Республикасининг диққатга сазовор тарихий қадамжоларида, қатор ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бўлишиб, ўзаро тажриба алмашишди.

Гойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

ИБРАТЛИ ТАШАББУС ҲАҚИДА КИТОБ

Бухоролик халқ таълими ходимлари тизимда туб ислоҳотларни амалга ошириш, фаолиятга янги педагогик технологияни тобора жорий этиш, мамлакатимизнинг эртанги кунига муносиб ёшларни камол топтириш борасида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бухородаги ўтган 1999 йил ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашларида асосий диққат-эътибор кўпроқ тизимда эришилаётган ютуқларга эмас, камчилик ва нуқсонларга, мавжуд муаммоларга қаратилиб, таълимни бундан ҳам юқори даражага кўтариш учун яна нималар қилиш кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар алмашилган эди. Бунда вилоят ҳокими Самойдин Ҳусенов тўпланганларга барча катта-кичик раҳбарларни кенг жалб этиш мақсадида "Мактаблар куни"ни ташкил қилиш ва уни узлуксиз ўтказиб бориш, бу тадбирга шахсан ўзи бош-қош бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шунга асосан, 2000 йилдан бошлаб, ҳар ойнинг учинчи душанба куни вилоятда "Мактаблар куни" деб белгиланиши ҳақида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди.

"Мактаблар куни" моҳиятини кенгроқ тасаввур қилиш учун ва бу ҳақда батафсил маълумот олишингиз учун Салим Мухторов, Жаҳонгир Исмоилов ҳаммуаллифлигида нашр қилинган "Бухорода мактаблар куни" қўлланмасини ("Бухоро" нашриёти, 2000 йил) ўқишингиз лозим бўлади. Зеро, ҳар бир иморатнинг ўз пойдевори бўлгани каби юксалиш, етукликнинг туб илдизи ҳам битта — муҳим ва инкор қилиб бўлмас омил — таълим ва тарбиядир.

Шерали НИШОНОВ

Бир оздан сўнг секин менга қараб, ҳазрат Мотуридийнинг қабрлари шу ерда болам, дея кўзларига яна ёш қалқиди.

Ундаги эски чопонлар, нақшинкор кашта ва сўзаналар, момоларимиз қўл меҳнати билан дунёга келган дўппиларни яқин-атрофдаги қишлоқлардан излаб топганмиз.

ЎТМИШНИ УЛУҒЛАГАН ЭЛ

(Боши 1-бетда)

Уйимизда бобомнинг алоҳида меҳмонхонаси бўлиб, доимо одамлар билан суҳбат кетарди. Унда асосан қори Тамҳидий, Самарқандий, Фақирий, Воҳид Абдулло каби даврнинг кўзга кўринган зиёлилари қатнашиб, тарихий маълумотлар асосида ўзаро фикр алмашардилар. Тарихимизда ўзининг ноёб асарлари билан маълум ва машҳур бўлган кўплаб алломаларнинг ҳаёт фаолияти, ижодлари бу суҳбатларнинг мазмунига айланган эди. Мен бу сирли суҳбатни доимо меҳмонхона бурчагида ўтириб эшитардим.

Ўша даврларда баъзи олимлар томонидан қилинган тадқиқот ишлари бутун оммага яшин тезлигида шов-шув бўлиб тарқалса, ёхуд матбуотда катта шов-шув бўлса-да, аммо меҳмонхонадаги доимий иштирокчиларга, умуман, янгилик эмасди. Аниқроғи, бу ишлар фавқулодда янгилик ҳисобланса-да, меҳмонхона гурунгида кундалик суҳбат вазифасини ўтарди.

Унда асосан, ноёб тарихий китоблар ўқилиб, таҳлил қилинар, қийин кечган муҳокамалар эса баҳс-мунозарага айланиб кетарди. Бобомнинг айтишларича, суҳбатга ҳатто дунёнинг кўплаб тарихчи олимлари ҳам ташриф буюришар эди. Улар асосан янги маълумотларни ёзиб, шу таҳлитда тадқиқот ишларини олиб боришарди. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг собиқ муфтиси Ҳазрати Қори Зиёвуддин ибн Бобохон ҳам йилда бир маротаба келиб, бевосита суҳбат ўтказиши кечагидек эсимда. Афсусланарлиси шунда эдики, катта-катта тадқиқотларнинг дастлабки илдизини очган одамларимиз пинҳона қолиб кетарди.

— Маълумки, яқинда имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейи нишонланади. Бу борада Самарқанд шаҳрида кенг кўламдаги қазув ва қидирув ишларини олиб бораяпсизлар. Шу мақсадда у ердаги Чокардиза қабристони ва алломамиз ҳақида бир оз тўхталиб ўтсангиз.

— XX аср бошларида имом Мотуридий ҳақида ҳеч қаерда зикр этилмаган. Ҳатто дафн қилинган қабристон устига кўрганингиздек уйлар қурилган. Унинг тарихи ёшлигимдан қулоғимга қўрғошиндай қуйилган эди. Негаки, аввалари дунёда машҳур бўлган ўша зиёратгоҳ ҳовлимиздан атиги 150 метр узоқликда жойлашган бўлиб, ота-боболаримиз ҳар кунги беш вақт намозда қабристондаги улуғ авлиёларга дуои фотиҳа қилишарди. Уйга борсам, мачитга қатнасам, ҳатто зериккан пайтларда меҳмонхонага чиқсам ҳам ён-атрофидагилар бундай фожеани афсус билан тилга олишарди. Қарангки, вазиятга секин-аста кўникиб, Чокардиза қабристони ва имом Мотуридий тарихларига қизиқа бошладим.

Бугунга келиб мустақил мамлакатимизда шахсан Президентимиз ташаббуслари билан буюк аждодларимизнинг номлари, улар қолдирган мероослар тикланиб, улардан халқимиз манфаатдор бўлмоқда. Оллоҳга беҳад шукрлар бўлсинки, биз ҳам айни пайтда ўша ҳовлиларда илм аҳли билан тадқиқот ишларини деярли ниҳоясига етказмоқдамиз. Шунингдек, тарих ва ақидалари зикр этилган ҳамда бобомдан мерос қолган "Қандия", "Ақидаи Исломия" каби қўлёзма китобларни васиятларига амал қилган ҳолда 1991 йил ҳамда 1994 йилларда чоп эттиришга муваффақ бўлдим. Бу китоблар Чокардиза қабристони ва имом Мотуридий ҳақидаги илк дурдоналардир.

— Агар сир бўлмаса айтинг-чи, кўп йиллик тадқиқотларни олиб боришда асосан қайси манбалардан кенг фойдаланасизлар?

— Тарихдан маълумки, VII-VIII асрларда Мовароуннаҳрни араблар босиб олгач, дини, урф-одати қаторида араб тилини ҳам халқ онгига сингдиришди. Бунинг ҳосиласи ўлароқ, дастлаб Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Ал-Хоразмий каби кўплаб алломаларимиз араб-форс ёзувларида ўз ижодларини бошлашди. Айтмоқчиманки, бизга номаълум бўлган аждодларимиз тарихи ҳам асосан араб-форс тилида ёзилган. Юқорида зикр этилганлардан ташқари "Китабу талҳиз", "Фаслул хитоб", "Ат-тавҳид", "Тарихий Ғабарий", "Ҳулосаи тарихий исломия", "Сафинатул авлиё" каби қўлёзмалардан фойдаланамиз. Шунингдек, ўтмишда яшаб ижод этган олимларнинг вақфнома ва васиятномаларини ҳам таржима қиламиз.

Беҳбуд БОТИРОВ суҳбатлашди.

"ҚАЛДИРҒОЧ"НИНГ ПАРВОЗИ

Maktabgacha ta'lim

1990 йилда Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани халқ таълими бўлими мактабгача тарбия муассасаларининг сони яна биттага кўпайди. "Қалдирғоч" деб номланган бу муассаса 160 нафар қичкинтойни ўз бағрига олди. Дастлаб иш жуда қийинчилик билан бошланди. Сахродек тап-тақир ерга қурилган боғча майдонида бирорта дарахт ёки гул йўқ эди. Бу масканга мудира этиб сайланган Шарофат Ҳўжаева ишни дарахт ва гул экишдан бошлади.

Боғча ҳовлисида қаққайиб турган эртак майдончаси, эртак қаҳрамонларининг ёғочдан ясалган қиёфаларини ҳам ўша пайтда офтоб уриб кетишига салгина қолди. Агар яна бир икки йил дарахт экилмаса, ёркин ранглар билан безатилган эртаклар шаҳарчасидаги барча нарса Сурхон қуёшининг иссиғига чидай олмаслиги аниқ эди.

Муассасада ишлар бошланиб кетди. Тарбиячилар болажонларга қунт ва меҳр билан тарбия бера бошладилар. Боғчада дастлаб болаларни табиатга ошно қилиш, еру осмонни, яшаётган ўлкани муқаддаслигини англатиш, жониворлар ва ўсимликларга муҳаббат билан ёндашишни ўргатиш мақсадида экологик бурчак ташкил этилди. Унда тошбақа, типратикан, турли қушлар парваришлана бошланди.

Болалар онгини ўстириш, ватанга фидоий ўғил-қизлар қилиб етиштиришни мақсад қилиб қўйган боғча ходимлари тинимсиз изланиш ва ҳаракатда бўлдилар.

Бугун бу маскан атрофга соя ташлаб турган дарахтлар, боғча ҳовлисига ҳусн бериб турган турли-туман гуллар билан тўла. Болажонлар ҳам соғлом вояга етмоқдалар.

"Қалдирғоч"нинг бошқа мактабгача таълим муассасаларидан фарқли томони шундаки, унда мана шу даргоҳда тарбияланган мактаб ёшига етган болалар ҳам туртинчи синфгача сабоқ олишади. Мактабдан фарқли равишда 5 кун мактаб дастуридаги барча фанлардан таълим олган болалар, худди тарбияланувчилар каби шу ернинг ўзида овқатланишади, дам олишади. Буларга ўқитувчи-тарбиячилар сабоқ беришади.

— Биз,- деб сўз бошлади , боғча мудираси Ш.Ҳўжаева, — бундан 3 йил аввал тажриба-синов мақсадида, боғчада ўзимизнинг мактаб ёшига етган тарбияланувчиларимизни олиб қолдик. Мақсадимиз, улар ўрганиб қолган масканда болажонларга бошланғич таълимни ҳам бериш эди. Бу ишимизнинг асосий сабабларидан бири, бола 4-5 йил давомида ўрганиб қолган жойидан, ўрганиб қолган тарбиячиларидан кетиб, мактабга борса, унинг иқтидорини,қобилиятини сезмаган янги муаллим болага етарлича эътибор бермаслиги мумкин. Яна баъзи болалар "ёввойитабиат" бўладилар. Улар янги муҳитга, янги дўстларга қўниколмай, ўз билимларини етарлича ифодалаб беролмаслиги туфайли паст ўзлаштирувчилар сафига тушиб қоладилар. Болаларни равон нутқли, сўзларни тўғри талаффуз қиладиган бўлишлари учун, кейин фикрлаш доирасини ўстириш ниятида, ўз тарбияланувчиларимизга илк сабоқларни ҳам ўзимиз беришга қарор қилдик.

Бугунги кунда 99 нафар бошлангич синф ўқувчиси бу даргоҳда билим олмоқдалар. Тажриба-синов мақсадида 1-синф ўқувчилари билан "Китобим-оftобим" номли ўқув дарслигини ўргандик. Боғчада 11 дона компьютер бор. Тарбияланувчилар жадвал асосида компьютер сабоқларини, инглиз тилини ўрганмоқдалар. Муассасамизда фитобар мавжуд бўлиб, болажонлар соғлиқларини тиклаш, соғлом ва бақувват бўлиш учун доривор гиёҳлардан тайёрланган ичимликларни истеъмол қилиб туришади.

Тарихий анъаналарга садоқат, она-Ватан тарихига ҳурматда бўлишни болаларга сингдириш учун боғчада музей ташкил қилинган. Музей экспонатлари хилма-хил ва қадимийдир. Ундаги эски чопонлар, нақшинкор кашта ва сўзаналар, момоларимиз қўл меҳнати билан дунёга келган дўппиларни яқин-атрофдаги қишлоқлардан излаб топганмиз. Мустақиллик йиллари солномаси, қомусимиз, гербимиз, байроғимиз, мадҳиямиз тарихи битилган қўғазмалар ўғил-қизларимизда доимо қизиқиш уйғотади.

Муассасада тарбияланаётган ўрта гуруҳ болалари билан суҳбатлашамиз. Аввал бегонасираб турган болалар, нималарга қодирликларини кўрсатиб қўйиш илинжида давлатимиз мадҳиясини жўровоз бўлиб айтишди, инглиз тилида қўшиқлар қўйлашди. Турли хил жисмоний ҳаракатларни кўрсатиб беришди.

Бу муассасадан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб қайтдик. Юрт равнақи учун, унинг порлоқ истиқболи учун хизмат қилаётган инсонлар борлиги қувончимизга сабаб бўлган бўлса, бу даргоҳдан учирма бўладиган қалдирғочларнинг теран фикрли, истеъдодли фарзанд ар эканлиги кўнглимизга ум д учқунларини солди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Суратда: тарбияланувчилар компьютер сабоқларини олмоқдалар.



ШОИР — ИНСТИТУТ МЕҲМОНИ

Абдулла Қодирий номли Маданият институтида Ўзбекистон халқ шоири, етук таржимон Жуманиёз Жабборовнинг етмиш йиллик юбилейи ўтказилди. Институт ректори Азиз Тураев юбилейни кириш сўзи билан очиб, шоир шаънига илиқ сўзлар билдирди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, таниқли бастакор Анор Назаров, халқ артистлари Гавҳар Раҳимова, Муножот Йўлчиева, Марям Сатторова ҳамда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ўлмас Саиджонов, Аҳмаджон Дадаевлар Ж.Жабборовга самимий тилакларини билдириб, дилрабо қўшиқ ва куйлар ижро этдилар. Талабалар Ж.Жабборов қаламига мансуб шеърлардан ўқишди. Шоирга сўз берилди. Унинг Ватанга муҳаббати, камтаринлиги ва олижаноблиги шеърларидаги сингари сўзларида ҳам сезилиб турарди.

Баҳодир ФАЙЗУЛЛАЕВ, шу институт талабаси

ТАЪЛИМДАГИ МУҲИМ ҲАЛҚА

Malaka oshirish

Малака ошириш бўғинида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзига хос хусусиятга эга. Чунки малака ошириш таълимнинг бошқа бўғинларидан тубдан фарқ қилади. У фойдаланадиган воситалар, ҳал этадиган вазифалар жуда масъулиятли.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, 1998 йилнинг 15 декабрида "Халқ таълими муассасалари ходимлари малакасини ошириш тизимини мувофиқлаштириш тўғрисида"ги 220-сонли буйруғи ҳам ана шу соҳага тегишлидир.

Мазкур буйруқ билан халқ таълими муассасалари ходимлари малакасини ошириш тартиби, малака ошириш институтларининг намунавий Низоми тасдиқланди ва Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, асосан, халқ таълими тизими ва тегишли муассасалар раҳбарларининг малакасини оширишга ихтисослаштирилди, малака оширишга қўйиладиган давлат талаблари ҳамда тажриба-ўқув дастурларини яратиш ва синаш вазифаси қўйилди.

Узлуксиз таълим тизимининг олий ўқув юртидан кейинги тури, яъни кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ДТС талаблари қатъий белгиланмайди, балки бу таълим тури мунтазам ривожланиб бориш хусусиятига эга бўлиб, талаблар ҳам шунга яраша ўзгарувчандир. Улар Президентимизнинг асарларида, маърузаларида, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган шу соҳага оид қарорларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Малака оширишга давлат талаблари ва тажриба-ўқув дастурлари лойиҳалари Марказий малака ошириш институти томонидан яратилди ва барча малака ошириш институтларига синовдан ўтказиш учун юборилди. Институтимиз 12 мутахассислик бўйича давлат талаблари ва тажриба-ўқув дастурлари лойиҳасини олди. Синов ишларини ташкил этиш мақсадида институтда ташкилий комиссия, 7 та ишчи гуруҳи тузилди ва 1999-2000 йилда ўтказилган 28 та малака ошириш курси бўйича синов майдончаларида тажрибалар олиб борилади. Ишчи гуруҳлари зиммасига мутахассислар бўйича тажриба-синов ишларига раҳбарлик қилиш, натижаларни умумлаштириш ва якуний хулосалар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

220-буйруқда Қашқадарё ВХТХМОИ ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича республика миқёсида синов ўтказувчи таянч институт қилиб белгиланганлиги муносабати билан шу мутахассислик бўйича синов ўтказувчи ишчи гуруҳ фаолияти, айниқса, диққат марказимизда бўлди. Синов ўтказиш учун 2 та 24 кунлик, 2 та 18 кунлик ва 2 та 12 кунлик малака ошириш курслари танлаб олинди.

Давлат талаблари ва ўқув дастури лойиҳаси синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Машғулот олиб борадиган маърузачилар, ўқитувчилар таркиби аниқланиб, уларга мавзулар тақсимланди.

Синов ишларида тингловчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида давлат талаблари ва тажриба ўқув дастури лойиҳалари туман, шаҳар халқ таълими бўлим методика кабинетларига юборилиб, малака ошириш учун келаётган кишилар мазкур ҳужжатлар билан аввалдан таништирилди. Ҳар бир курс охирида тингловчилар синалаётган ўқув дастури ҳақида ўз мулоҳазалари ва таклифларини ёзиб қолдирдилар. Ишчи гуруҳи синов якунларини умумлаштириб, тегишли хулосалар чиқарди. Бу хулосалар, аввало, давлат талабларига алоқадордир.

Биз давлат талаблари мавжуд ўқув режаси билан мос бўлиши зарур деган хулосага келдик. Маълумки, ўқув режасининг таркибий тузилиши узоқ йиллар давомида шаклланган ва малака оширишга қўйилган давлат талабларининг ўзгаришини ўзида ифодалаган. Бас, шундай экан, давлат талаблари таркиби ўқув режасига мос этиб яратилиши лозим. Иккинчидан, давлат талабларидаги ҳар бир бандга ўқув режаси мазмуни жавоб бера оладиган бўлиши зарур. Чунки талаб қўйилса-ю, ўқув режасида унга жавоб топилмаса ё шу талабни олиш, ё режани тўлдириш лозим бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, (айниқса, 203, 390-қарорлар) ҳақида, умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари, ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш Низоми ва ҳоказоларни ҳам ҳар бир ўқитувчи билиши зарур бўлгани учун талабларга киритиш лозим. Ҳар бир ўқитувчининг билиши таълимдаги муваффақиятлар гарови эканлиги яхши маълум. Ҳамма соҳада бўлгани каби таълимда ҳам бошқарувнинг ташкил этилиши, амалга оширилишига кўп нарса боғлиқ. Шундан кейин тингловчининг маънавият ва маърифат, ҳуқуқ, экология соҳасидаги билимларига нисбатан қўйиладиган давлат талабларини баён этиш мумкин.

Янги педагогик технология нима эканлиги, унинг тамойиллари, таркибий тузилиши ҳақида элементар тушунчалар бериш зарур. Ана шулар баён қилингандан кейин эса ҳар бир фан, мутахассислик учун хос талабларга ўтса бўлади. Бизнинг фикримизча, мутахассислик бўйича талаблар икки йўналишни қамраб олиши керак.

Биринчи йўналишни мазкур мутахассислик назарияси бўйича билимларга қўйиладиган, иккинчи йўналишни мутахассиснинг амалий кўникмаларига қўйиладиган талаблар ташкил этади.

Биз юқорида баён этилган мулоҳазаларга таяниб, малака оширишнинг барча мутахассисликлар учун умумий бўлган ягона андозаси лойиҳасини яратдик ва давлат талабларини ҳар бир мутахассислик бўйича ана шу андоза асосида ёзиб чиқиб, ўқув хоналарига осиб қўйдик.

Малака ошириш жараёнига ҳозирги кунда янги педагогик ва ахборот технологияси жадал кириб келмоқда, ҳар бир машғулотни янги технология асосида, ё бўлмаса, янги технология элементларини қўллаб ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Институт кафедралари, ўқитувчи методистлар янги педагогик технология дарси лойиҳаларини, топшириқлар пакетларини яратиш устида иш олиб боришмоқда. Янги педагогик технологияни қўллаб дарс ўтиш бўйича трейнинглар, семинарлар, қисқа ўқувлар ташкил этилмоқда. Методик хатлар, тавсиялар яратилиб, жойларга етказилаяпти.

Бундан ташқари, янги педагогик технологияларни қўллаш борасидаги энг яхши тажрибалар ўрганилиб, видео тасмага ёзиб олинаяпти ва курсларда улардан унумли фойдаланилмоқда.

Курсгача ва курсдан кейинги ишларни кучайтириш ҳам малака ошириш ислоҳидаги йўналишлардан бири бўлди, десак хато бўлмайди. Аввало, ҳар бир таълим муассасасида меҳнат қилаётган педагогик ходимларнинг малака ошириш истиқбол режаси тузиб чиқилганлиги ижобий ҳол бўлди. Энди ҳар бир ўқитувчи ҳар бир халқ таълими ходими қачон малака оширишини яхши билади. Биз бунга қўшимча равишда малака ошириш курсларининг намунавий ўқув-мавзу режасини, курсларда ўтказиладиган тест синовлари саволларини ҳам кўпайтириб жойларга қадар етказдик ва ҳар бир туман, шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинетида, барча таълим муассасаларида "Малака ошириш бурчаги" ташкил қилиниб, унга истиқбол режасидан ташқари курсларнинг ўқув мавзу режалари, тест саволлари осиб қўйилди. Энди тингловчи қайси мавзулар асосида малака ошириш ва қайси саволлар бўйича тест синовидан ўтишини ҳам яхши билади.

Эштемир НОРБОЕВ, Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ректори муовини

КЎРҒАЗМА

Ўзбекистон миллий рассомчилик ва дизайн институтида Франция элчихонаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган Француз карикатурачилари кўргазмасини ташкил этилди. Анжуманнинг кириш қисмида институт талабалари ўзлари яратган либосларни, меъморчилик асарларини меҳмонларга тўҳфа этишди. Асосий қисм эса кўргазма залида бўлиб ўтди. Сўзга чиққан меҳмонлардан жаноб Тамазини ва Божанлар карикатура тарихидан уни бугунги кундаги ўрни, умуман бу санъат турининг ривожи ҳақида кенг тўхталишди. Тил атташеси жаноб Барбаре бу комиксларнинг тили тўғрисида қатнашчиларга сўзлаб берди. Анжуман охирида элчихона ходимлари институтга француз тилини ўрганишни хохлаган талабаларга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларини айтишди ҳамда ўзларининг совғаларини топширишди. 25 плакатдан иборат ушбу кўргазма бутун француз карикатурачи рассомларнинг санъатларини намойиш қилди.

Ф.ДИЛМУРОДОВ «Маърифат» мухбири

МАТЕМАТИК ТАРБИЯЧИ

Инсон ўз умри давомида кимларга яхшилик қилганлиги, кимнинг кунглини бир оғиз ширин сўз билан хушнуд этганлигини кўпинча эсидан чиқариб юборади. Сабаби, оддий. Одамгарчилик, бурч, касбига бўлган муҳаббат. Айниқса, ҳаёти давомида фақат муаллимлик касбини шараф билиб, қанча-қанча ўқувчиларни катта ҳаёт бусағасига етаклаб келган инсонлар, яъни ўқитувчилар ҳеч кимдан ҳеч қачон таъма қилмайди, ўқувчиларининг ҳар битта ютуғидан қувониб, йиллар, ойлар кўришмаса ҳам муваффақиятга эришаётган ўқувчилари билан фахрланиб яшайди.

Бир доно инсондан кимни кўпроқ ҳурмат қиласан, отангними ёки устозингни деб сўрашганида, у "Устозимни" деб жавоб берган экан. Ҳайратдан тили лол бўлиб турган атрофидагиларга қараб эса буни қуйидагича изоҳлаб берган экан. "Отам мен учун энг қадрли ва севимли зот. У мени кўкдан ерга туширди. Устозим эса менга илм бериб, ҳунар ўргатиб, ердан кўкка чиқарди. Шунинг учун у зотга меҳрим чексиз», деган экан.

Бугун барча мактабларда ўз ишининг фидоийси, ўқувчиларнинг севимли ўқитувчисига айланган муаллимлар кўплаб топилади. Шундай инсонлардан бири Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-мактабнинг математика ўқитувчиси Тоҳир Нуралиевдир.

У киши қарийб 20 йилдирки пайариқлик қанчадан-қанча болажонларни математиканинг сеҳрли олами билан таништирди. 1982 йилда Самарқанд Давлат Педагогика институти математика факультетини битириб келган ёшгина йигит У.Мавлонов номли 6-ўрта мактабга математика муаллими бўлиб ишга келди.

Болаларни математика фанига қизиқтириш учун эса турли-туман бошқотирмалар, математик ўйинлар ўйлаб топди. Дарсдан сўнг ўғил болалар билан бирга геометрик шакллар ясаб, математика хонасини безай бошлади. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги туфайли мактаб жамоаси ўртасида ҳурмат қозона бошлаган Тоҳир Нуралиев 1982 йилдан 1986 йилгача мактабда "Ёш ўқитувчилар кенгаши" раиси вазифасида ҳам фаолият кўрсатди.

Болалар кунглига йўл топа олган, ҳамма ўқувчининг севимли ўқитувчисига айланган Тоҳир ака 1999 йилдан буён мактабда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини вазифасида ишламоқда.

Энди у ўзи таълим берадиган синф ўқувчилари билангина эмас, балки мактабнинг каттаю кичиги билан муомала қилиши зарур. Ҳали бирор байрамга атаб кеча ўтказиш, ҳали бирор спорт тури бўйича мусобақа ташкил қилиш. Яна туман мактаблари ўртасида ўтказиладиган барча кўриктанлов ҳамда мусобақаларга ўқувчиларни тайёрлашни назорат қилиш Тоҳир Нуралиев зиммасида.

Ҳар бир мактабда, ҳар бир маҳаллада ҳам тарбияси оғир, шўх болалар учраб туради. Чунки, ҳар бир бола бир дунё, ҳар бири турли дунёқарашга эга. Муаллимлик яна шунисиз билан ҳамма касблардан ҳам масъулиятлики, эртага мактабдек даргоҳни битириб, ҳаётга йўлланма олган боланинг кўп жиҳатдан яхши инсон бўлиши мактабда берилган таълимга, ўргатилган билимга боғлиқ бўлади.

Фидоий ўқитувчи 1999 йилда Самарқанд вилояти халқ таълими бош бошқармаси томонидан таъсис этилган "Шарафли зиёкор" медали соҳиби бўлди.

Бугунги кунда ҳам тиним билмай ишлаётган, ўқувчиларга билим бераётган ўқитувчи Тоҳир Нуралиевнинг барча шогирдлари ундан миннатдор.

Хуршида ЖОВМИРЗАЕВА

АСРЛАРНИ ҚАРИТГАН ШАҲАР

Teran tomirlar

Буюк боболар юрти Туркистоннинг 1500 йиллик таваллудига саноқли кунлар қолди. Тўй арафасида қадимий ёдгорликларга кўз ташласак, Туркистон шаҳри ривожланишнинг илк қадами Жанубий Қозоғистондаги Ўрта асрлик икки шаҳар билан (Чойтепа ва Ясси) чамбарчас боғлиқдир. Маълумотларга қараганда, аввало, Чойтепа бош шаҳар ҳисобланган бўлса, кейинчалик Ясси Туркистон тарихининг бошланишига сабабчи бўлади.

IX-X асрларнинг ёзма ёдгорликларида Чойтепанинг иқтисодий ривожланган катта шаҳар бўлганлиги тўғрисидаги далилларни алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, шаҳарга яқин ўртадаги кичик қўрғонларда бозорчалар вужудга келган. Марказий Осиё шаҳарлари билан иқтисодий алоқалар йўлга қўйилиб, савдо-сотиқнинг ривожланишига туртки берган. Чойтепа географик жиҳатидан қулай жойда бўлиб, Сирдарё ёқасида жойлашган ва Марказий Осиё, Хоразм давлатларининг савдо-сотиқ ҳамда товар айрибошлаш ишларида муҳим ўрин тутган.

У айни пайтда Буюк ипак йўлининг бир тармоғини ташкил этган. XI асрда эса шаҳар инқирозга учраб, XII асрда бутунлай вайронага айланади. Шундан сўнг, Ясси шаҳри ўлканинг маркази вазифасини бажара бошлайди. Айтиш жоизки, туркий сўфизмнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг шу масканда жойлашгани шаҳарнинг марказга айланиши ва ҳар жиҳатдан ривожланишига сабабчи бўлади.

Маълумки, темурийлар даврида шаҳарнинг иқтисодий-маданий тарафдан мавқеи тубдан юксалган. Мақбаранинг бунёд этилиши натижасида шаҳар ва шаҳар атрофидаги зиёратчилар шаҳарни иқтисодий маданий ва маърифий юксалишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Туркистон шаҳрининг тимсоли бўлган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг қурилиши тўғрисида туркий халқлар ўртасида турли афсоналар юради. Ровийларнинг айтишича, Амир Темур яхши ният билан мақбаранинг биринчи ғиштини қўйибди, аммо қурилиш ҳеч олға силжимабди. Бир куни ухлаб ётган Амир Темурнинг тушига Аҳмад Яссавий кирибди. "Менга, — дебди у, — кошона қурадиган бўлсанг, аввало, устозим Арслонбобга кошона ўрнат, ундан сўнг ишинг ўз-ўзидан олға босади". Амир кўрган тушини амалга ошириш мақсадида ҳозирги Жанубий Қозоғистон вилояти Ўтрор туманига қарашли "Жамият" номли маскан четига Арслонбоб мақбарасини қурдиради. Шу боисми, Яссавий мақбараси ҳам тез орада битади. Кейинчалик мақбара атрофида давлат арбоблари, атоқли кишилар, қаҳрамонлар дафн этилади. Шу тариқа мақбара қадриятлар ансамблига айланади. Афсуски, уларнинг кўпчилиги шўролар мафкураси туфайли йўққа чиқарилди.

Буюк боболар юрти, турон замин халқларининг пойтахти бўлган Туркистон тўй арафасида бутунлай ўзгарди. Мақбарани таъмирлаш ишларини Туркия Республикаси мутахассислари олиб боришяпти. Ҳозир у якунланай деб қолди.

Мустақиллик шарофати билан, Туркия ва Қозоғистон президентларининг ташаббуси билан Туркистон шаҳрида 1991 йили Хожа Аҳмад Яссавий номидаги Туркистон Давлат университети ташкил этилди. Университет тўққиз йил мобайнида Марказий Осиёда энг йирик ўқув масканларидан бирига айланди. Бугунги кунда йигирмага яқин мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда ва уларни етмишдан зиёд чет эл (АҚШ, Италия, Хитой) профессор-ўқитувчилари билим бермоқда. Университет зиёли-олимлари қатор дарслик, илмий монографиялар, методик-қўлланмалар билан бирга Туркистон шаҳрининг энциклопедиясини ҳам тайёрлашди. Байрам муносабати билан университет қошида талабалар шаҳарчаси фойдаланишга топширилди. Мазкур ўқув масканида яқин келажакда йигирма мингдан зиёд талабалар таҳсил олиши режалаштирилган.

Буюк бобоколонимиз Амир Темурнинг пойқадамлари теккан заминга келувчи зиёратчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Яссавий мақбараси рўпарасида масжид қурилиши режалаштирилган. Бу эса шаҳарнинг халқаро обрў-эътиборининг янада ошишига олиб келади.

Туркийзабон халқларни умумлаштирадиган, тарихимизнинг бирлигини ифодалайдиган ва бир қанча инқирозни бошидан кечирган шаҳар бугун ўзининг 1500 йиллик таваллудини дунё миқёсида кенг нишонламоқда.

Ергаш АБДУВАЛИДОВ, Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

Биз ориқ, юпун, уйқуга тўймаган болалар портфель ўрнига китоб-дафтар соладиган тўртбурчак халтача кўтариб, совқотган қўлларимизда шиша сиёҳдонни чангаллаб, мактабга борардик...

Болабезор ёр ёмон, гўдагини эркалаб,
Кийимларни бичганда жонон
гўзал кўринар.

ДИЙДОР ҒАНИМАТ

Яқинда Тошкент шаҳридаги 22-мактабнинг собиқ битирувчилари 45 йилдан сўнг қадрдон мактабларида учрашишди. Улар орасида халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов, таниқли адиб, Миллий тикланиш демократик партияси раиси Иброҳим Ғофуров ҳам бор эди.

Сирасини айтганда, таълим муассасасини 1954-55 ўқув йилида 10 синфни тугатган 88 нафар битирувчилар ичидан муаллимлар, муҳандислар, шифокорлар, учувчилар, фан докторлари, профессорлар ҳам етишиб чиқишди, улар устозлари ўгитларига муносиб меҳнат қилишди.

Учрашувга собиқ битирувчиларнинг 40 нафаригина етиб келдилар. Синф парталарида йиллар ва йўллар эсланди.

Дилкаш суҳбатлардан сўнг синфдошлар мактабнинг мажлислар залида ўқувчи ва ўқитувчилар билан юзма-юз бўлишди. Сўзга чиққанлар урушдан кейинги оғир давр ва ўқишдаги қийинчиликлар ҳақида гапиришди.

— Биз ўрта мактабда ўқиган замон урушдан кейинги оғир давр эди, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов. — Бугунги мактаб, болаларнинг кийиниши, ранги-рўйи, ўқув асбоблари тамоман бошқача. Биз ориқ, юпун, уйқуга тўймаган болалар портфель ўрнига китоб-дафтар соладиган тўртбурчак халтача кўтариб, совқотган қўлларимизда шиша сиёҳдонни чангаллаб, мактабга борардик... Ҳозирги кунларда ҳам ўзим ўқиган мактабда дарс бераётган устозим бор — Ҳакимжон Ҳошимов! Эллик йилдан бери ишлаяпти у киши.

Ҳакимжон акани ҳурмат билан тилга оламан. Чунки ўйинқароқ, ерга урса, осмонга сапчийдиган болалар ҳам Ҳакимжон ака олдида интизомли бўлиб қолишарди. Қаттиққўл, ғоят талабчан Фазлиддин Расулов, Умар Хўжаев каби ўқитувчиларимизни ҳамиша мамнуният билан эслайман...

Баъзан биз ўқиган вақтда бола тарбиясига, билимига талаб кучлироқмиди, деган фикр хаёлимдан кечади. Бизнинг муаллимлар фидойироқ инсонлар эди, чамамда .

Юзма-юз мулоқотдан кейин собиқ синфдошлар устозларига миннатдорчилик билдириб, мактаб кутубхонасига ўз китобларини топширишди ва ўқувчиларга дастхатларини қолдиришди. Илм масканида 50 йил ишлаган мактаб раҳбари Ҳакимжон Ҳошимовга эса миллий либослар — чопон ва дўппи кийдирилди ва бошқа устозларга ҳам совғалар ҳадя этилди.

Учрашув якунида синфдошлар яна 5 йилдан кейин, яъни мактабни битирганликларининг 50 йиллигида дийдорлашишга келишиб олдилар.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратда: синфдошлар учрашувидан лавҳа акс этган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Тўра ЖУМАН

ГЎЗАЛ КЎРИНАР

Турли қушлар учганда, осмон гўзал кўринар,
Бир-бирини қучганда, инсон гўзал кўринар.

Болабезор ёр ёмон, гўдагини эркалаб,
Кийимларни бичганда жонон гўзал кўринар.

Ишни режали қилиб, эл, юртнинг хирмонига
Катта улуш қўшганда, деҳқон гўзал кўринар.

Тўра, хунук бўлса-да, кимки пок яшаб халқнинг
Назарига тушганда, ҳар он гўзал кўринар.

СЕВИМЛИДИР

Қалби поклар, ҳалоллар Аллоҳга севимлидир,
Мискинга шафқат қилган қишлоққа севимлидир.

Мусофирга жой берган, уни меҳмон қилганлар,
Дастурхони очиқлар ҳар ёққа севимлидир.

Булбулга гул севимли, сойга тошиб оққан сув,
Ўрмон, қуён, какликлар қир, тоққа севимлидир.

Тўра, ширин сўзлилар, ёмонлик қилмаганлар,
Аҳдида турувчилар ўртоққа севимлидир.

ДАРАК

Аллоҳимдан қўрқишинг олимлигингдан дарак,
Қўрқмай эгри бўлишинг золимлигингдан дарак.
Ман-ман бўлиб ўзингга баҳо берсанг, мақтансанг,
Ақли паст эканлигинг, жоҳиллигингдан дарак.
Ширин сўзли, кам гапли, юввош, оғир бўлишинг,
Олижаноб эканинг, ҳалимлигингдан дарак.
Айтилган жойдан қолмай ўз вақтида боришинг,
Тўра, дўстларинг билан қалинлигингдан дарак.

КАСАЛНИ БОРИБ КЎРГАН

Касални бориб кўрган жаннатда юрган каби,
Мўминга жазо берган дўзахда турган каби.

Бозорни айланганлар она заминимизнинг
Турли хил неъматлари, ҳосилин кўрган каби.

Олийгоҳга невара ўқишга кириб қолса,
Бобо, момо севинар ўзлари кирган каби.

Тўра, деҳқонлар хурсанд мўл-кўл ҳосил тўпласа,
Бўйи баланд хирмонни Аллоҳим берган каби.

Xullas...

4 КИЛОДАН ИККИ ЦЕНТНЕР

Свердлов вилоятининг қишлоқ туманларидан бирида яшовчи пенсионер Леонид Решетников ўз томорқасида бундай ҳосил битишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. 4 кило картошкадан 2 центнер ҳосил кўтарса-я! Картошканинг бир донаси ярим кило тош босадиган бўлгунча чоли тушмагур тингани йўқ. Ҳали ўғитлаб, ҳали чопиқ қилиб, ҳали суғориб...

АПН агентлиги хабарида таъкидланишича, Леонид амаки ҳар бир картошкани 20 см. чуқурликда эккан. Жўякларнинг узунлиги эса 6 метр атрофида. Картошка пояси 20 см. га етганда ҳар бир пояга челаклаб сув қўйган.

Қарабсизки, чойнакдай-чойнакдай картошка. Леонид бобо сабзавотчиликда маълум ва машҳур синфдоши Павлик Морозовни ҳам йўлда қолдирди.

ҚОЙИЛМАҚОМ "РОЛЬ" ЎЙНАШ

Некрасов тумани ҳудудидаги қуюқ дарахтзор узра чўзилган кўча бўйлаб "Жигули" кетиб борарди. Ичида икки хоним. Улар хонадонларга кириб, ўзларини "энергетик" деб таништиришмоқчи. Аслида эса...

Идора "ходим"лари аввал биринчи уйга киришди, сўнгра иккинчи ва ҳоказо. Почтага ёки омонат кассага боришга вақт тополмай юрган қарздорлар текширувчиларнинг кўрсатилган рақамларни калкуляторда ҳисоблашлари ва тўловни квитанцияга ёзиб беришларига лаққа ишондилар. Катта-катта рубллар чўнтакка тушгач, қойилмақом даражада роль ўйнаган фирибгарлар жуфтакни ростлашди.

Қарздорлар ҳам ўз оёғи билан келган энергетикларга пул тўлашганидан хурсанд. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмаслиги аниқ...

ҲАЁТ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ!

Нью-Йоркда ўқиётган швед талабалари артистларга тақлид қилиб, "қаҳрамонлик" кўрсатмоқчи бўлган эдилар, қовун тушириб қўйишди.

Гўзал Ингеборг кучли ҳамла билан катта тезликда келаётган машина ҳайдовчисига қуюққина оқ-пушти кремни отиб юборди. Кутилмаган ҳолатдан шошиб қолган ҳайдовчи рулни бошқаролмай бошқа машина билан тўқнашиб кетди. Воқеанинг давоми ҳам худди кинодагидек кечди. Яъни иккала ҳайдовчи ҳам қонга беланишиб, ўша заҳоти жон беришди.

Ҳазили туфайли фожиа рўй беришини кутмаган талаба қиз Ингеборг Якобсон энди амалдаги қонунларга мувофиқ, қотилликда айбланади.

ana shunaqa gaplar...

Sport

"ЛИВАН - 2000"ДАН ЛАВҲА

Футбол бўйича Осиё чемпионати баҳслари ўтаётган Ливанда Ўзбекистон терма жамоаси Қатар футболчилари билан дастлабки учрашувни ўтказди. 1:1 ҳисобида якунланган учрашув мухлисларни қониқтирган бўлса-да, жамоамиз учун навбатдаги ўйинлар аҳамиятини янада жиддийлаштириб юборди. Кеча кечқурун ҳамюртларимиз иккинчи учрашувни ўтказди...

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ТАНТАНАСИ

Фарғонада ўзбек халқ ўйинларининг улкан тантанаси "II Алпомиш ўйинлари" фестивали бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари иштирок этди. Навбатдаги фестивали 2002 йили Қашқадарё вилоятида ўтказилишига келишиб олинди.

ТЕННИС - КРЕМЛЬ КУБОГИ

Белорусия теннисчиси Наталья Зверева шикаст егани сабабли 21 октябрь куни Москвада бошланажак "Кремль Кубоги" ўйинларида иштирок эта олмайди, деб хабар қилинади турнирнинг расмий сайтида.

МЕЗБОНЛАР МАҒЛУБИЯТИ

"Миддлсбро" меҳмони бўлган "Ньюкасл" 1:3 ҳисобини қўлга киритиб, Англия футболи премьер - лигасида "Манчестер Юнайтед" ва "Арсенал"дан сўнг учинчи ўринга кўтарилди.

КАСПАРОВГА АЙБЛОВ

Испан гроссмейстери Алексей Широв Гарри Каспаров устидан шикоятнома ёзди. Шировнинг айтишича, Каспаров билан фигура суришга Крамник эмас, балки у тушиши ва шунга яраша гонорар олиши керак экан. Эслатиб ўтамиз, ўз даврида (вақтида) даъвогарлар ўртасидаги беллашувда Широв Крамникни 5,5 - 3,5 ҳисобида мағлубиятга учратган, аммо 1998 йилги чемпионлик учун кураш бўлиб ўтмаган.

Рейтинг жадвалида эса Широв Гарри Каспаров ва Крамникдан сўнг 3-ўринни эгаллаб турибди.

maydonchasi

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муасссасаларини жиҳозлаш учун ўқув компьютер синфкомплектларини харид қилиш ва етказиш бўйича

ТЕНДЕР

эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун компьютерлаштириш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий ҳамда мамлакатимизнинг фирма, компания ва ташкилотлари таклиф этилади.

Тендер ҳужжатларини 2000 йил 25 октябрь соат 10-00 дан бошлаб қуйидаги манзилгоҳдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5, Халқ таълими вазирлиги, 1003-хона, маълумотлар учун телефон: 139-41-38, 139-14-70, факс: (3712) 139-11-73.

Тендер комиссияси

Вильям КЕЙН (Англия)

"КЕРАКСИЗ МАШҒУЛОТ"

Ҳажвия

Мен эрталаб вақтли туришни ёқтираман. Лекин, кийинишни ҳеч ёқтирмайман. Кийимда ухласа ҳам бўлади, аммо уйқуда кийимда ётишга нима етсин. Бундан ташқари ечиниш жудаям осон-да.

Секундамерда ҳисобласам ечинишга тўрт дақиқа сарфлайман, бироқ кийиниш жуда қийин.

Агар мумкин бўлганда мен ҳам бўри ёки айиққа ухшаб пўстинда юрган бўлардим. Қандай ажойиб! Эрталаб туриб сочинг билан жунингни тарасанг-да ишингга кетаверсанг. Бу ерда яна битта лекини бор, хоҳлай-хоҳламай барибир соқолимни олишимга тўғри келади, соқолда мен ёввойи эшакка ухшайман.

Пўстинда мени ё жинни деб ўйлашарди, ё бўлмасам Амазонкадан қочган ғор одамига ухшатган бўлишарди. Шунинг учун барибир костюм кийишимга тўғри келади.

Шундай қилиб... Мен сакраб тураман-да шимимни қўлтиқлаб, полга йиқилиб тушмаслик учун, оёғимни шимимга тиқаман. Бир амаллаб шимимни кийиб олиб, сўнг сон-саноқсиз тугмалар билан жанг қиламан. Буларнинг ҳаммаси ҳолва, олдинда бўйинбоғ тақишдек қийин муаммо турибди. Бу бўйинбоғ қўрғурни ўн марта ечиб қайтадан боғлашимга тўғри келади. Шундагина зурга бўйинбоғни бўйнимга тақаман-да, сўнг асабийлашиб, дармоним қуриб, ўриндиққа чўкаман.

Қўйлак ёқаси ва бўйинбоғ мени гирибонимдан шунчалик бўғиб оладики, мен бу қотилларни кўчага улоқтириб, оёғим билан янчиб ташлагим келади. Лекин у ҳолда ён атрофимдагилар мени жиннихонага юборишлари аниқ.

Энди нимча билан костюмни кийиш керак. Вой худойим, қанчадан-қанча тугмалар! Чўнтаклар — сигарет учун, ручка учун, гугурт учун. Жудаям кўп — ҳаммаси кераксиз. Қисқа ва қийин эндиги жанг туфли билан бўлади. Мана худога шукур, кийиниб ҳам олдим...

Мен ҳаётимнинг энг қимматли ўн беш дақиқасини мана шу кераксиз кийиниш учун сарфладим. Мен мана шу вақт ичида ўн бешта сўз айтишим, ўн бешта олма ейишим ёки сигара чекишим мумкин эди. Мен бу вақт мобайнида кичик бир мақола ёзишим ва унга қалам ҳақи олишим мумкин эди.

Агар мендан кимдир: "Сиз эрталаб 8.45 дан - 9.00 гача қандай фойдали иш қилдингиз?" деб сураса, мен чуқур хўрсиниб шундай жавоб қилишим мумкин: "Афсуски, сэр, мен кийиндим".

Насриддин БОТИР таржимаси

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг сиртқи бўлими талабалари диққатига!

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва туманлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари диққатига!

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати барча сиртқи бўлим талабаларининг 2000-2001 ўқув йили қишки сессияси машғулотлари қуйидаги муддатларда (иловадаги жадвалга асосан) ўтказилишини маълум қилади.

Ректорат талабаларга қишки ўқув сессиясига ўз вақтида етиб келишлари зарурлигини таъкидлайди.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-49-53, 55-55-67, 54-92-17.

Университет ректорати

2000-2001 ўқув йилида Низомий номидаги ТДПУ сиртқи бўлими талабалари қишки сессиялари жадвали

№	Факультетлар	Курслар	Сессия муддати
1.	Физика-математика	I	10.XII-2000-12.1-2001 й
		II-V	2.1 - 12.1 2001 й
2.	Табиёт фанлари	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.
3.	Касб таълими	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.
4.	Бадиий графика	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.
5.	Ўзбек тили ва адабиёти	I	1.XI - 30.XI - 2000 й.
		II-V	1.XI - 10.XI - 2000 й.
6.	Рус тили ва адабиёти	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.
7.	Тарих	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.
8.	БТУ ва дефектология	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.
9.	Педагогика ва психология	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.
10	Мусиқа	I	10.XII-2000-12.1 - 2001 й
		II-V	2. 1 - 12.1 2001 й.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Шерали НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-917. Тиражи 19.037. Г.
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.